O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 26 апрел чоршанба

Сотувда эркин нархда № 80 (2377)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Юнусободда барпо этилаётган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи қурилишидан репортаж





## «САВОБ БОШЛАБ КЕЛДИ БИЗЛАРНИ...»

Донишмандлардан бири «Эсланмаган ҳақиқат бир кун келиб рўёга айланади», дея нақадар ҳақ гапни айтган. Бўзсув соҳилига туша туриб хаёлимдан кечгани шу бўлди. Рост-да, йўқса бу муборак жой шунча вақт қаровсиз ҳолда ётмас, ёш авлод ҳам бугунги кунда бу «янгилик» қошида ҳайрат бармоғини тишлаб турмасди...

Шукрким, Президентимиз саъй-ҳаракати билан бу ҳақиқат элимиз кўз ўнгида бутун бўй-басти билан намоён бўлди. Эндиликда ҳар бир юртдошимиз бу ерда улкан зиёратгоҳ барпо этилаётганидан бохабар. Айни пайтда мажмуа қурилишида иш қизғин. Не-не мудҳиш воқеаларга гувоҳ бўлган Бўзсув ҳали бунча кўп одамнинг ўз соҳилида бир тану бир жон бўлиб ишлаганини кўрмаган бўлса керак.

Бу ерга серқатнов бўлиб қолган суратчи мухбиримиз Нўъмонжон ака ҳайратини яширолмайди:

– Кечагина олган суратларимдан бугунгиси шунчалик фарқ қилса-я!?.

Ҳақиқатан ҳам, бу ердаги одамларнинг кўплиги-ю, иш кўламининг катталиги ақлингни шоширади. Бир томонда қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бир томонда уларга кўмакка келаётган ҳашарчиларнинг кети узилмайди. Биз ҳам бироз тараддудланиб тургач, қоғозу қаламни бир четга қўйиб, беихтиёр ҳашарчилар сафига қўшилдик...

Ҳозирда қарийб 20 гектар майдонни ўз бағрига олган мажмуа қурилиши ишлари «Паркентсувқурилиш» тресги жамоаси зиммасида.

– Асосий юмушлар поёнига етмоқда, – дейди бош муҳандис Шариф Маҳмудов. – Мақсад Хотира ва Қадрлаш кунига қадар хиёбондаги барча каму кўстларни ниҳоясига етказиш. Бугунги кунда 20 дан ортиқ ташқи пудратчи ташкилотлар бизларга ёрдамга келган. Мажмуа қурилишида йўлсозларнинг ҳам, метро бунёдкорлари-ю, самолётсозларнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор. Юнусобод тумани ҳокимлиги ишчиларни бепул овқат билан таъминлаб турибди.

Шариф ака соатига қараб қўяди. Ўша куни ҳам шу ерда истиқомат қилувчилардан бири ўз ҳисобидан 50 кило ош дамлаб, ишчиларга тушлик тайёрлашни ният қилган экан. Тўғриси, номини ошкор қилмасликни сўради. Сидқидилдан қилинган савоб ҳеч қачон кўз-кўз қилинмайди.

— Хуллас, зиёратгоҳ шарқона, миллий табиатимизга мос, сокин ва мўътабар, шаҳримизнинг энг гўзал масканларидан бирига айланади,— дея гапини тугатди бош муҳандис.

Ўзбекда яхши одат бор – ҳашар! Сўраб қолсангиз, кўпчилик «ҳашар» сўзининг маъносини билмас, лекин унинг савоб йўлида қилинаётганини ҳамма теран тушунади. Айниқса, бу ўтганлар хотираси билан боғлиқ бўлса.

– Юзларим қуёш нурида қорайган сайин, бундай хайрли ишга ҳисса қўшаётганимдан кўнглим шунча тиниқади, – дейди бу ерга Андижондан келиб ишлаётган Авазбой Тожимаматов.

Акмал Икромов тумани ободонлаштириш бошқармаси бош муҳандиси Сунилло Шоюсупов билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда кечди:

– Ҳар куни бу улкан қурилишга жамоамиздан 15-20 нафар ҳашарчи қатнашаяпти. Муҳими, улар аввалгидай раҳбарлар топшириғи билан эмас, ўз хоҳишлари билан келишаяпти.

Шу пайтда ишчилар орасида «Ҳорманг-бор бўлинг» қилиб юрган уч нафар нуроний отахонга кўзим тушди. Суҳбат илинжида улар истиқболига юрдим.

– Э, болам! Энди кучни ёшларга берсин, – дейди ўзини Жалил Бозоров дея таништирган отахон. – Қибрай туманидаги «Турон» жамоа хўжалигида истиқомат қиламан. Ўша олис аянчли йилларда аравакаш бўлиб ишлаганман. Шу боис бу йўлдан кўп ўтганман. Жуда хунук воқеалардан хабарим бор. Ҳукуматимиз қарори билан Бўзсув соҳилида зиёратгоҳ қуришдек савобли ишга қўл урилганини матбуот орқали билдик. Кўп хайрли иш бўлибди. Энди бу ердан одамлар қадами узилмайди. Биз ҳам бир ҳормангалик қилиб келайлик, деб дўстларимиз билан йўлга чиқувдик.

Отахон тўлиб-тошиб гапирди. Куйиниб гапирди. Суйиниб гапирди. Сўзининг ниҳоясида юртимизнинг истиқболини тилаб, дуога қўл очди. Мен ҳам унга қўшилиб, эндигина ётқизилган чим узра тиз чўкдим. Шу топда хаёл опқочди... Кўпдан иш қочиб қутилармиди. Ҳадемай, эртаиндин хиёбон, сепидаги бор тақинчоқларини таққан келинчакдай сулувлашади. Кундузни-ку қўя туринг, ҳатто қоронғулик қўйнидаги Бўзсув ҳам чироқлар ёғдусидан мунаввар тортади. Вақт алламаҳал бўлса-да, бу ердан қалби эзгуликка тўла инсонлар қадами узилмайди. Шунда бутун вужудинг билан ернинг енгил тин олганини ҳис этасан. Бу – йилларга басма-бас, чирқираб ўтган исёнкор аждодлар руҳининг тинч ором олаётганлиги белгисидир...

Дарҳақиқат, Жалил бобо таъкидлаганидек, бу мажума қурилишига «Савоб бошлаб келди бизларни» дегувчилар ҳали мўл бўлур, кўл бўлур. Зеро, бу миллатнинг буюклигига, иймонининг бутлигига ҳам чўнг бир ишорадир!

**Юсуф ҲАМИДОВ,**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ,**
**(суратлар)**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

**Мажлисни Олий Мажлиснинг Раиси Э. Халилов бошқарди.**

**Кенгаш иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясини 25 май куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди (қарор қуйида эълон қилинмоқда).**

Олий Мажлис иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров раҳбарлигида депутатлар ишчи гуруҳи тузилди.

Кенгаш мажлисида Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 1999 йилги иши тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан институт директорининг ўринбосари М. Гасанов сўзга чиқди.

Мажлисда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов ва бошқалар 1999 йилда институт фаолияти сезиларли даражада жонланганлигини таъкидлаб ўтди. Институтнинг 1998 йилги иши тўғрисидаги ҳисобот юзасидан Кенгаш мажлисида кўрсатиб ўтилган кўпгина камчиликлар бартараф этилган. Институт ходимлари илмий-тадқиқот фаолиятини яхшилаш юзасидан муайян ишларни амалга оширди, ҳуқуқнинг турли тармоқлари бўйича 20 дан зиёд илмий ишлар тайёрланди.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишидаги институт иштироки сезиларли даражада кучайди. Амалдаги қонун ҳужжатларининг қўлланиш амалиёти ўрганиб борилди, уларга риоя этмаслик сабаблари аниқланди ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этишга оид таклифлар тайёрланди. Миллий қонун ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлаш чора-тадбирлари кўрилди.

Институтнинг фаолияти парламент қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда амалга оширилди.

Институтнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги кўламлари кенгайди. Хусусан, инсон ҳуқуқларини қонун йўли билан тартибга солишни ривожлантириш муаммоларига бағишлаб қатор халқаро ташкилотлар ваколатхоналари билан биргаликда илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Шу билан бирга, мажлисда таъкидланганидек, институт фаолиятида муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Институт фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилаш, илмий ишланмаларни мувофиқлаштириш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида 1999 йили институт қошида ташкил этилган илмий-маслаҳат кенгашининг иш самардорлигини ошириш зарур.

Олий Мажлис Кенгаши институт раҳбариятига Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссиялари билан ҳамкорликда қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишида фан ютуқлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан фойдаланишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўришни, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларига қонунлар ижро этилиши назоратини амалга оширишларида кўрсатилаётган услубий ёрдамлар самарадорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришни топширди.

Депутатлар хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатларининг, халқаро нормаларнинг маълумотлар базасини шакллантириш борасидаги ишларни давом эттириш зарурлигини қайд этиб ўтди. Бинобарин, бу маълумотлар базасидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш чоғида Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари самарали фойдаланиши мумкин бўлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган вазифалардан келиб чиқиб, сиёсий ва иқтисодий турмушни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришга, жамиятни маънавий янгилашга қаратилган миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш муҳим эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Олий Мажлис Кенгаши ўз ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

## *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Қ А Р О Р И*

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 2000 йил 25 май куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 апрел.

* * *

Олий Мажлис иккинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

**1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2004 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисида.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ҳамда 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида.**

**3. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.**

**4. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.**

**5. «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.**

**6. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).**

**7. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).**

**8. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).**

**9. «Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.**

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

## ПАРЛАМЕНТДА УЧРАШУВ

Мамлакатимиз янги демократик давлат қуриш йўлидан дадил бормоқда. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси очиқлик ва ошкоралик анъаналарига амал қилган ҳолда эшикларини Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги гимназия ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари учун ланг очиб қўйди. Бундай тадбирлар анъанага айланиб қолган. Илгари парламент биносида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик институти талабалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари билан учрашувлар ўтказилган эди.

Навбатдаги учрашувда гимназиянинг ўқишда ва ижтимоий ҳаётда ўзини кўрсатган 100 нафар ўқувчиси парламент биноси, унинг асосий органлари билан танишди. Ўқувчиларда Олий Мажлис сессиялари ўтказиладиган, Президент маъруза қиладиган ва муҳокама қилинган муҳим ҳужжатлар бўйича овоз бериладиган мажлислар зали катта қизиқиш уйғотди.

Ўқувчиларнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (омбудсман) С.Рашидова билан билан учрашуви илиқ, самимий вазиятда ўтди. Унда парламент омбудсмани фаолияти ва истиқболлари, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан алоқалари муҳокама қилинди. Омбудсман хизмати ходимларининг қайд этишича, болалар жиддий, чуқур мазмунли саволлар беришган, баҳсга киришишган.

**Д.САИТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Иқтисодиёт чорраҳаларида*

## ТАННАРХ АРЗОН, ХАРИДОР КЎП

Бундан тўрт йил муқаддам Сайхунобод туманида ўзбек-хитой қўшма корхонаси иш бошлаган эди. 1999 йилни 34 миллион сўм соф фойда билан якунлаган бу жамоа жорий йилда ана шу кўрсаткични 45 миллион сўмга етказмоқчи.

Абдураҳмон Ҳотамов қўлидаги бир дона помидорни тарозига қўйди-да, бизга ўгирилиб, «Бир килограмму икки юз грамм», деди.

— Мана буниси бир килога яқин, — суҳбатга қўшилди Доногул Азимова. — Мирзачўл шароитида бундай рекорд даражада ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Ҳозиргина ўлчанган помидорларни атайлаб излаб топганмиз. Одатда помидорларимиз ўртача 200-250 грамм тош босади. Аслида бу ҳам ёмон кўрсаткич эмас. Ранги, таъми масаласига келсак, улар бошқа помидорларни ярим йўлда қолдириб кетади. Шу боис бозорда бизнинг маҳсулотга талабгор кўп.

— Ростдан ҳам шундай. Сайхунобод помидорини харид қилган мижознинг пули яна чўнтагида қайтиб кетади. Бир донасини иссиқ нонга қўшиб есангиз, бир кун кекириб юрасиз, — дейди ҳосил тераётган Болбувиш Абдушукурова.

Дарҳақиқат, иссиқхонадаги қип-қизил помидорлар кўзни қамаштиради. Аммо уларнинг аксарияти кўриниши, оғирлиги жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Мағзи эса, сабзавоткорлар тили билан айтганда, асосан «гўшт»дан иборат.

«Пахтакор ЛТД» ўзбек-хитой қўшма корхонаси иш бошлаган пайтда айримлар бу корхонанинг эртанги кунига шубҳа билан қарашган эди. Негаки, туманда бу борада аввал ҳам уринишлар бўлган, бироқ эришилган ютуқлар билан мақтаниб бўлмасди. Қўшма корхона бош директори У Нянь Ту ва маҳаллий тадбиркорлар сабр-тоқат билан бошланган ишни давом эттиришди. Тўғри, биринчи йили даромад кўнгилдагидек бўлмади. Гоҳ газ таъминотидаги, гоҳ маблағ масаласидаги муаммолар ишга тўсқинлик қилди. Иккинчи йили эса бирмунча силжиш юз берди. Ўнлаб қиз-жувонлар ниҳоллар парваришини, уларни дорилаш, ўғитлашни яхши ўзлаштириб олдилар. Ўша йили 100 тоннадан кўпроқ маҳсулот етиштирилди. Туб бурилиш эса 1999 йилда кузатилди. Гулистон, Сирдарё, Янгиер ва Ширин шаҳарлари бозорларининг пештахталарини феврал ва март ойларида помидор маҳсулоти босиб кетди. 50 тоннаси Тошкент шаҳрига жўнатилди. Шунингдек, 100 тоннадан кўпроқ кўк помидор эса Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинди.

— Етти-саккиз минг сўмлик маошга ким ҳам ишламайди, дейсиз? — дейди Олтиной Мирзақулова. — Ахир, бу қишлоқда ишловчи биз, хотин-қизлар учун мўмай даромад-ку! Биласизми, иссиқхонада ишлаётган юздан ортиқ кишининг саксон нафари хотин-қизлардир. Кунига беш-олти соат ишлаб, шунча пул олсак ёмонми? Бунинг устига, ҳар ҳафтада арзон нархда 2-3 килограммдан помидор бериб туришибди. Деярли саккиз ой мобайнида муқим иш жойига эгамиз. Қолган пайтлари эса биримиз ипак қурти боқсак, биримиз далага чиқиб ишлаймиз.

Иссиқхоналардаги помидорларнинг бариси Голландия навидир. Жамоа ўтган йили 297 тонна ўрнига 305,7 тонна маҳсулот етиштирган бўлса, бу йил 5,6 гектар майдондан 350 тонна помидор олишни мўлжаллаб турибди.

— Бугунги кунда ҳар бир килограмм помидорни 250-350 сўмдан сотаяпмиз, — дейди қўшма корхона бош директори У Нянь Ту. — Мўлжалимиз йилни камида 45 миллион сўм соф фойда билан якунлаш, муҳими, республика ички бозорини таннархи арзон дармондори билан таъминлашдан иборатдир.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Шарҳловчи минбари*

## ЯДРО ҚУРОЛИСИЗ ДУНЁ САРИ

Шу кунларда БМТ Бош қароргоҳида ядро қуролини тарқатмаслик масалаларига бағишланган халқаро конференция давом этмоқда. Олтинчи бор ўтказилаётган ушбу тардбирда 180 мамлакатдан вакиллар иштирок этаётир.

Маълумки, ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1968 йилнинг июн ойида маъқулланган эди. У 1970 йилнинг мартидан кучга кирган. Ҳозир шартномани 47 давлат парламенти ратификация қилган.

Албатта, дастлабки йилларда давлатларнинг ушбу шартномага бўлган қизиқиши ортди ва унинг ижросини таъминлаш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Жанубий Африка Республикаси биринчилардан бўлиб ўзининг ядровий дастурини тўхтатди. Давлатлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, ўз минтақасини ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилди. Айниқса, "совуқ уруш" хавфи бартараф қилинганидан сўнг бу борадаги ишлар янада фаоллашди. Хусусан, мустақил Ўзбекистон учун ҳам Марказий Осиё минтақасида ядро қуролини тарқатмаслик энг долзарб масалалардан бирига айланди. Президент Ислом Каримов минтақамизни ядро қуролидан холи зонага айлантириш ташаббусини илгари сурди ва БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида бу масалага алоҳида урғу берди. 1997 йилнинг сентябр ойида эса Тошкентда "Марказий Осиё - ядро қуролидан холи зона" мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Унда олтмишга яқин давлат ва ўн олтита халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси бутун дунёда катта хайрихоҳлик билан қарши олинди.

Афсуски, замон ўзгаргани сари қатор мамлакатлар ядро қуролини яратиш ниятидан чекинган бўлса, айримлари, аксинча, ниятдан амалий ишга ўтди. Кўплаб давлатларда ўз минтақасида яккаҳокимликка эришиш, таъсир доирасини кенгайтириш кайфияти кучайди. Оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш янада такомиллаштирила бошлади ва ўз-ўзидан айрим мамлакатлар ўртасида қуролланиш пойгаси бошланди.

Мутахассисларнинг фикрича, айниқса, Осиёда вазият тобора чигаллашмоқда. Хусусан, икки йил илгари Покистон ва Ҳиндистонда бир неча бор ядро қуролининг синовдан ўтказилиши мазкур халқаро шартноманинг бажарилишига жиддий зарба берди. Бунга жавобан мазкур икки мамлакатга нисбатан иқтисодий жазолар жорий қилинди. Аммо бунинг таъсири кутилганидек бўлмади. Мазкур мамлакатлар ҳукуматлари очиқдан-очиқ халқаро ҳужжатга яқин орада қўшилмаслигини, ўз давлатининг миллий хавфсизлиги нуқтаи назаридан яна шундай синовларни ўтказиши мумкинлигини маълум қилди.

Бу ёқда Эрон узоқ масофага учувчи баллистик ракеталар синовини ўтказишдан тўхтагани йўқ. Хабарларга қараганда, Шимолий Корея ҳам бундай қуролларни янада замонавийлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Халқаро ҳамжамиятнинг ушбу мамлакатга янада кўпроқ инсонпарварлик ёрдами кўрсатиши эвазига расмий Пхенян бу борадаги ишларни тўхтатиб туришга рози бўлди. Тайван эса катта маблағлар эвазига энг замонавий қурол-яроғлар сотиб олишда давом этмоқда. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳам бу борадаги аҳвол яхши эмас. Мутахассисларнинг билдиришича, аҳвол шу зайлда давом этаверса, яқин йиллар ичида ўз ядро қуролига эга бўлган давлатлар сони ўттизга етиши мумкин.

Маълумотларга қараганда, ҳозир дунё бўйича мавжуд бўлган ядро қуролларининг сони йигирма мингга етади. Уларнинг асосий қисми АҚШ ва Россияга тегишли. Демак, Нью-Йорк анжуманида асосий эътибор мазкур мамлакатларга қаратилади. Тадбирда АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ва Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов иштирок этаётгани ҳам бежиз эмас.

Россия делегацияси халқаро анжуманга ўзига хос "тўёна" билан келди, дейиш мумкин. Яқинда мазкур мамлакат парламенти стратегик ҳужум қуролларини чеклаш бўйича иккинчи шартномани ҳамда ядро қуроли синовини ялпи тақиқлаш шартномасини ратификация қилди. Бу дунё давлатлари томонидан қизғин қарши олинди. БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳам бундан мамнуният билдириб, бу ядро қуролисиз дунё сари ташланган муҳим қадам эканини таъкидлади. Шунингдек, у АҚШнинг ўз ракетадан мудофаа тизимини янада такомиллаштиришга ҳаракат қилаётганини кескин танқид қилди. Бундай ҳаракатлар дунёда яна қуролланиш пойгасининг бошланиб кетишига туртки бўлиши мумкин, деди Бош котиб.

Кузатувчилар бугунги шароитда бундай халқаро анжуманнинг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидламоқда. Тадбирда нафақат ядровий қуролсизланиш борасида сўнгги беш йил ичида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади, балки истиқболдаги режалар ҳам белгилаб олинади. Конференция бир ой давом этади.

**Равшан МАҲМУДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Тараддуд*

# КУЧ — БАРКАМОЛ АВЛОДДА

**XX асрнинг сўнгги баҳорида Ўзбекистоннинг биринчи универсиадаси ўтказилади**

Қадим ўзбек тупроғида беқиёс кучқудрати, ҳайратомуз салоҳияти билан донг таратган алпқомат ўғлонлар миллат фахрига айланганлигига она тарих гувоҳ. Истиқлол шарофати билан азалий қадриятларимизнинг қайтишида жисмоний тарбия бобидаги эришаётган ютуқларимизни ҳам юрак-юракдан ҳис қиламиз.

Буни қарангки, Ўзбекистон мустабидлик занжирларини парчалаганидан сўнг жаҳонга спорт майдонларида забт этган зафарлари билан танила бошлади. Шу боис ҳам Ўзбекистон тупроғида ўтказилаётган ҳар қандай беллашувлар, хоҳ у халқаро миқёсда, хоҳ минтақавий ёки мамлакат биринчилиги бўлсин, спортимиз тарихида зарҳал сатр бўлиб қолаверади. Биз энг эпчил, энг чаққон, энг кучли ёшларимизнинг катта майдонлардаги курашини нафақат қўлга киритилган очколар, натижалар тимсолида, балки ғуруримиз, ифтихоримиз кўриги сифатида тасаввур қиламиз.

Шу маънода жорий йилнинг 24 май-1 июн кунлари Наманганда бўлиб ўтадиган республика биринчи универсиадасидан умидларимиз катта. Тўғри, ўтган йили Тошкентда шундай тадбир ўтказилганди. Бироқ унда фақат университетлар жамоалари чекланган спорт турлари бўйича иштирок этишди, холос. Чинакам универсиада мана энди бўлади. Унда 9 та спорт турининг 11 та дастури бўйича мусобақалар ўтказилади. Янаям аҳамиятлиси, ғолиблар 2001 йили Пекинда ўтказиладиган Бутунжаҳон универсиадасига йўлланмани қўлга киритишади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, универсиада кичик олимпиада деб ҳам юритилади ва, табиийки, ушбу тадбир ўтадиган жойда «Олимпия шаҳарчаси» ташкил қилинади. Хўш, бизда-чи?

Наманган вилоятининг «Чортоқ» ва «Гулшан» дам олиш ҳудудларида ана шундай шаҳарча барпо этилади. Бу ерда ҳозир мазкур жараёнга қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. Универсиаданинг жами 1872 иштирокчиси, ҳакамлар ҳамда бошқа хизмат кўрсатувчи ходимлар мазкур шаҳарчага жойлаштирилади. Универсиада дастуридан нафақат беллашувлар, балки маданий тадбирлар, турли саёҳатлар ҳам ўрин олган. Намангандаги «Навбаҳор», «Спартак» ўйингоҳлари, «Динамо», «Паҳлавон» мажмуалари, олий ўқув юртларининг спорт заллари, муҳташам теннис кортлари, шахмат клублари баҳсларнинг юксак савияда ўтиши учун деярли шай қилиб қўйилган.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган вилояти ва шаҳри ҳокимлиги ушбу тадбир билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни ўз вақтида жойида ҳал этаётир. Универсиада ғолибларига бериладиган медаллар «Фонон» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган. Совриндорларга аталган сертификатлар, турли даражадаги дипломлар, қимматбаҳо совғалар ҳам олдиндан тахт қилиб қўйилган.



20 апрел куни мазкур универсиаданинг жойлардаги I-II босқич беллашувлари якунланди. Асосий, III босқичда жами 16 та жамоа куч синашади. Шундан учтаси Тошкент шаҳридан бўлиб, қолган жамоалар барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан биттадан бўлади.

Хўш, республика универсиадаси нима учун айнан Наманганда ўтказилаяпти? Айтиш мумкинки, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари шарофати туфайли ҳозирда бундай тадбирга республикамизнинг деярли барча вилояти мезбонлик қилиш имкониятига эга. Гап шундаки, наманганликлар ҳаммадан аввал универсиадага мезбонлик қилиш ташаббуси билан чиқишди ва улоқни илиб кетишди. Зеро, бундай нуфузли беллашувларни қабул қилиш ҳам ўзига хос салоҳият касб этади. Насиб этса, Президентимизнинг «Ташаббус ўлмасин, ташаббус сўнмасин» деган фикрлари негизида яширинган ҳақиқат юқоридагидай ҳолатларда барқ уриб юзага чиқади. Демак, ташаббускорларнинг ҳаммадан олдин юриши ҳам асли шундан.

Универсиаданинг тантанали очилишидан бир кун аввал Наманган Давлат университетида «Жисмоний тарбияни ривожлантириш анъаналари, спорт тарихи масалалари» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилади. 62 та олий ўқув юрти вакиллари қатнашадиган бу анжуманга таклиф қилинган профессор-ўқитувчилар, илмий ходим ва талабалар соҳанинг илмий-тарихий асослари ҳақида фикрлашадилар.

Ҳозир эса универсиаданинг асосий босқичига йўлланма олган жамоалар талабалари тадбир дастуридаги футбол, баскетбол, волейбол, кураш, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, шахмат ва бошқа беллашувларга қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

Фикримча, талабаларнинг нафақат универсиадада қатнашиб ғолиб бўлиши, балки мана шу тайёргарлик жараёнининг ўзиёқ уларнинг саломатлиги яхшиланишида, демакки, фикрларининг тиниқлашишида, дунёқарашининг кенгайишида, ғалаба сари, ўз олдига қўйган эзгу мақсадига ҳар қанақа қийинчилик бўлмасин етишишга чидамлилик, матонат туйғуларини шакллантиришда, энг асосийси, бўш вақтлари кўпайиб, турли оқимлар таъсирига тушиб қолмасликларида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳукуматимизнинг соғлом авлодни — янги замон кадрларини тарбиялаш учун ҳеч қандай маблағни аямай бундай тадбирларни ўтказаётганидан кўзланган бош муддао ҳам шу эмасми?

Хулоса ўрнида биз ҳам бир таклифни илгари сурмоқчимиз. Дунёнинг кўпгина давлатларида Талабалар спорти федерациялари мавжуд. Улар талабалар ўртасида турли мусобақалар уюштириш, Бутунжаҳон универсиадасига тайёргарлик кўриш масалаларига мутасаддилик қилишади. Балки бизда ҳам шундай федерация ташкил этилса, фойдадан холи бўлмас?

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ**

*Ғоввослар асбоблари ва анжомларини сотиб олиш учун*

**Очиқ тендер ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи хўжалик юритувчи субъектлари иштирок этишлари мумкин.**

**Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчи вазирликнинг тендер комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олишлари ва эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун ичида таклиф беришлари лозим.**

**Тендер комиссияси таклифларни эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни соат 17-00 гача қабул қилади.**



**Тендер комиссияси манзили: Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 6-уй.**

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 139-86-59, 133-09-55, 139-47-05.**

2789


# ТАСВИРЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Оила, экология, гиёҳвандлик, ирсий касалликлар билан боғлиқ асрий муаммоларни плакатлар тили билан қандай аёвсиз фош этиш мумкин? Яқинда Фарғона Давлат университетида бўлиб ўтган плакатлар танлови шу долзарб масалага бағишланди.

Танлов якунида фақат ҳакамлар ҳайъати хулосаларига таянибгина қолмай кўргазмага ташриф буюрган томошабинларнинг фикри ҳам эътиборга олинди. Қўқонлик рассом Турсунали Акбаровнинг «Орол» деб номланган плакат-полотноси кўпчиликда катта таассурот қолдириб, ўйлашга, мулоҳаза юритишга даъват этади. XX аср муаммосини ёрқин акс эттирган бу асарга танловнинг биринчи даражали соврини топширилди.

Табиий офатлар рўй берганда ўрмонларни муҳофаза қилиш муаммоси кўтарилган плакати учун бешариқлик Фаррус Расулов ҳамда Фарғона билим юрти талабаси Нодир Абдуллаевлар иккинчи ўринга, Михаил Хорохорин учинчи даражали мукофотга лойиқ деб топилди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТОҒЛИ ТУМАНДА ЯНГИ ШИФОХОНА

Бойсун туманида, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига биноан, жарроҳлик, гинекология, ички касалликлар ва болалар бўлимидан иборат тез тиббий ёрдам маркази филиали очилди. Туман марказидаги шифохона биноси шошилинч тиббий ёрдам муолажаларига мослаштирилиб қайта таъмирланди. 20 ўринли шифохона зарур тиббий жиҳозлар ва малакали мутахассислар билан таъминланди.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири**


**ABN·AMRO Bank**

**Best Bank in Uzbekistan**

CENTRAL EUROPEAN AWARDS 2000

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журналининг «Central European» нашри томонидан

**АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.**

2000 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб номланди.

Қўшма банкимизнинг асосий таъсисчиси-АБН АМРО Банкдир. Бу универсал тижорат инвестиция банкининг тарихи Голландия тарихининг ўтган аср бошига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

***Биз:***

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитидан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- Электрон банк иши ("банк-мижоз тизими") ва пластик-кредит карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

***СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ.***

ABN·AMRO The Network Bank

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд.*
*Телефон: 120-61-41.*
*Факс 120-63-67.*

2777


# БУЮК ИПАК ЙЎЛИ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА



**Бундан 7-8 йил аввал пойтахтимизда меҳмон бўлган киши бугунги Тошкентни таний олмаслиги аниқ. Бунёд этилган турли-туман маъмурий бинолар, иншоотларнинг замонавий ва миллий меъморчилигимиз анъаналари уйғунлашган гўзаллиги кўзни қувонтиради.**



*Шунингдек, шаҳримиздаги хиёбону боғлар, дам олиш масканлари ҳам қайта таъмирдан чиқарилиб, ўзгача чирой касб этмоқда.*

*«Боғи эрам» (собиқ Тельман парки)ни бу яқин орада бориб кўрдингизми? Ҳозирда унинг қиёфаси бутунлай бошқача кўринишга эга. Айниқса, бу ерда барпо этилган болалар майдончаси эътиборингизни тортиши, табиий. Унда болажонларнинг севимли эртак қаҳрамонлари, юртимиз тарихидан лавҳалар, ҳайкалтарошлик, дизайн, рассомлик санъати уйғунлигида сизга Буюк ипак йўли карвонларининг қўнғироқларини эслатади.*

*Истеъдодли санъаткор Ҳамро Матвелиев бу мажмуани болаларнинг эътиборини тортиш ниятида миниатюра услубида яратган бўлса-да, у бир вақтнинг ўзида халқимиз ўтмишидан сўзлайди. Демакки, жажжи болажонларнинг мурғак қалбида халқимизнинг улуғ тарихига қизиқиш уйғотади. Иқтидорли ижодкор ҳозирда «Соғлом авлод йили»га туҳфа сифатида шу йўналишда яна бир нечта мажмуаларни яратиш ҳаракатида.*

**СУРАТЛАРДА: «Боғи эрам» даги болалар майдончасидан лавҳалар.**

**Ўз мухбиримиз.**


**Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона қўшма корхона**

**"Лок колор синтез" ҚЎШМА КОРХОНАСИ**



**2000 йил учун шартномалар тузиш мавсумини давом эттиради, шунингдек,**

**УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАРНИ,**

**ТОМЛАРНИ БЎЯШ УЧУН БЎЁҚЛАРНИ,**

**ПАРКЕТ УЧУН**

**КЕНГ ЁЙИЛГАН РАНГЛИ ГАММА!**

**ШПАТЛЁВКА, ГРУНТОВКА ВА УНИВЕРСАЛ ЭМУЛЬСИЯ ЕЛИМИНИ (ПВАга ўхшаш) ТАКЛИФ ЭТАДИ.**



**СОТИБ ОЛАМИЗ: ОК сими ГОСТ 3282 Ø3; 4мм; 60,70,100, 200л.ли метал сиғимлар.**

Манзилимиз: Тошкент, Фарғона йўли, 35. Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41. Факс: (371) 191-74-63.

2444



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 286. 23728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — Э. Мовлонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.40
1 2 3 4 5 6